

Умаров Оқил Омилжонович
Ўзбекистон Миллий университети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ўқитувчиси

Ўрозалиева Зилола Турсунмурод кизи
ЎЗМУ иқтисодиёт факультети талабаси
Талабалар илмий жамияти аъзоси

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ТАРКИБИ ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧИ

Аннотация: Мақолада Хитой Халқ Республикасида меҳнат ресурслари таркиби ва демографик хусусиятлари ёритиб берилган. Ҳозирги вақтда Хитой меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье описаны структура трудовых ресурсов и его демографические особенности в Китайской Народной Республике. Указаны качественные показатели трудовых ресурсов Китая.

Abstract: The article describes the structure of labor resources and its demographic characteristics in the People's Republic of China. The qualitative indicators of China's labor resources are indicated.

Хитойлик демограф олимларнинг тадқиқотларига кўра, меҳнат ёшига етган аҳолининг сони ўсиши жами аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичига нисбатан 60-70 фоиз миқдорида ўсиб бормоқда ва 2000 йилда ўртача йилига 1,65 фоизни ташкил этган ва келгуси 20 йил ичида ушбу кўрсаткичнинг 2 фоиздан юқори бўлиши кутилмоқда¹ деган тахминларни келтирган бўлса, бу тенденциянинг жуда катта тезликда ўсиб боришини кейинги йиллардаги кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2010-2014 йй. Хитойнинг аҳолиси бўйича кўрсаткичлар (млн. кишихисобида)²

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Йилнинг охирига жами аҳолининг сони	1340,9	1347,4	1354,0	1360,7	1367,8
Шулардан,					
15 ёшгача бўлган аҳолининг сони	222,6	221,6	222,9	223,3	225,6
15-59 ёшдаги аҳолининг сони	940,5	940,7	937,3	935,0	929,8

¹ <http://www.dslib.net/ekonom-sociologia/stanovlenie-rynka-truda-v-kitae.html>

² БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. – М.: ИИЦ.2015. С.24.

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда кўришимиз муминки, 2010 йилда Хитойнинг жами аҳолиси 1340,9 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 1347,4 млн. кишини ташкил этган ва 3 йил ичида 1367,8 млн. кишини ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, аҳолининг 15 ёшгача бўлган сон кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, унда кўришимиз мумкинки, 2010 йилда 222,6 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 225,6 млн. кишини ташкил этган. Шунингдек, аксинча 15-59 ёшдаги аҳолининг сон кўрсаткичида таҳлил қилинаётган даврда пасайиш тенденцияси кузатилади ва 2010 йилда 940,5 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу тенденция 929,8 млн. кишини ташкил қилган.

1992 йилда Хитойда амалга оширилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирида жами иш билан банд бўлган меҳнат ресурслари 521,7 млн. кишини ташкил этган, яъни уша даврда жами аҳолининг 51,94 фоиз, аммо батафсил маълумотлар шундан далолат берадики, ушбу кўрсаткич анча юқори суръатларни ташкил этган. Бундай катта тафовутларнинг юзага келиши албатта бир нечта сабаблари мавжуд ва улардан энг асосийлардан бири бу, ўша даврда банд бўлган аҳоли таркибига мавсумий меҳнат билан ҳам банд бўлган меҳнат ресурслари ҳам инobatга олинган.

Ундан кейинги даврда Хитойда 2000 йилда аҳолини рўйхатдан ўтказиш натижалари шундан далолат бермоқдаки, 60 ёшдан юқори бўлган меҳнатга лойиқ бўлган кишиларнинг жами аҳолидаги улуши 10,3 фоизни ташкил этган, 2004 йилга келиб ушбу кўрсаткич 12,4 фоизни ташкил этган, демак ўсиб бориш тенденцияси кузатилиб борилмоқда ва мутахассисларнинг эътирофларига кўра ушбу тенденция йилдан-йилга ўсиб боради ва таҳлилларга кўра 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20-25 фоизни ташкил қилиши мумкин. Энг қайғулисидан кейинги йилларда 60 ёш ва ундан юқори ёшдаги аҳолининг сони тобора ортиб боради³.

Шунинг учун олимларнинг ва мутахассисларнинг асосий эътиборлари аҳолининг ёш таркибига ёки 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг сонига қаратилмоқда, чунки айнан ушбу ёшдаги аҳоли иқтисодий ривожланишнинг асосини ташкил қилади ва бу меҳнат ресурсларини ташкил қилади дегани.

Бу борада халқаро ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилаётган тадқиқотларга ҳам эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир, жумладан, БМТнинг тадқиқотларига кўра Хитойда 2020 йилга келиб меҳнат ресурсларини дефицити кузатилиши кутилмоқда. Уларнинг фикрларича бунга асосий сабаблардан бири бу 1970 йилда амалга оширилган демографик сиёсат бўлса, иккинчи томондан бу ёш таркибидаги жиддий ўзгаришлар сабаб бўлган ва унга кўра 2020 йилга келиб унинг 25 фоиздан юқори қисмини 60 ёшдан юқори бўлган аҳолилар ташкил этади⁴.

³ <http://www.strana-oz.ru/2008/3/trudovye-resursy-kitaya>

⁴ <http://www.strana-oz.ru/2008/3/trudovye-resursy-kitaya>

Хитойнинг меҳнат ресурсларининг таркибини таҳлил қилинишида аввало унинг бугунги кундаги жами аҳолиси сони, таркиби шу даражадаги кўрсаткичлар йиғиндисини ўрганилиши мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

2-жадвал

Хитойнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари⁵

	Йиллар	Кўрсаткичлар
Аҳолининг зичлиги (кв.км.гакиши)	2018	145,4
Туғилишнинг умумий коэффициенти (1000 кишига)	2017	12,3
Ўлимнинг умумий коэффициенти (1000 кишига)	2015	7,1
Болалар ўлими коэффициенти (1000 тирик туғилганларга)	2017	12
Оналар ўлими коэффициенти (100000 та тирик туғганларга)	2015	27
ЯИМ (жорий нархлар/ млрд. АҚШ доллари)	2016	11199,2

Жумладан, жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2018 йил даврида Хитойда жами 1 млрд. 395,8 млн. кишини ташкил этган бўлса, уларнинг таркиби 51,9 фоиз эркаклардан ва 48,1 фоиз аёллардан ташкил топган ва аҳолининг зичлиги 145,4 киши кв.км.га тўғри келган.⁶

Шунингдек, Хитойнинг иқтисодий фаол аҳолисининг 2009-2015 йй. даги динамикаси шундан далолат берадики, меҳнатга фаол аҳолининг ўсиш тенденцияси кузатилади (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларига кўра, 2009 йилда Хитойда иқтисодий фаол аҳолининг сони йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилади ва 2015 йилга келиб 807 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2009 йилга нисбатан 2015 йилда 32 млн. кишига ўсиш тенденцияси кузатилган. Шунингдек, 2009 йилда 758 млн. киши банд бўлганларни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб ушбу тенденция 774 млн. кишини ташкил этган, яъни, 16 млн. кишини ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин шу билан бирга ишсизлар сонининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилади, жумладан, 2009 йилда 16,8 млн. ишсизлар бўлган бўлса, 2015 йилга келиб ушбу кўрсаткич 32,5 млн. кишини ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Ўз навбатида шаҳар

⁵ <http://www.indexmundi.com/china/>

⁶ Live China Population (2018). ...26 марта 2018 год

аҳолисининг ишсизлик даражаси деярли ўзгариш кузатилмаган ўртача 4,1 фоизни ташкил этганлиги кузатилади.

3-жадвал

2009-2015 йилларда Хитойда меҳнат ресурслари тўғрисида маълумот⁷

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Иқтисодий фаол аҳоли (млн. киши)	775	783	786	792	797	802	807
Банд бўлганларнинг сони (млн. киши)	758	761	763	766	769	772	774
Ишсизлар сони (млн. киши)	16 820,0	22 830,0	23 080,0	25 444,0	27 808,0	30 172,0	32 536,0
Шаҳар аҳолисининг ишсизлик коэффициенти%	4,1	4,1	4,1	4,1	4,1	4,1	4,0

Шу билан бирга Хитой иқтисодиётининг тармоқлар бўйича меҳнат ресурсларининг тақсимланганлигини кўришимиз мумкин, унга кўра 2010-2014 йиллар оралиғида таҳлил қилинаётган тармоқларда энг кўп меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликда мужассамлашган бўлиб ушбу йиллар давомида унинг тенденцияси деярли ўзгармаган (4-жадвал)

4-жадвал

2010-2014 йй. Хитойнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича меҳнат ресурсларининг тақсимоти (млн. киши ҳисобида)⁸

	2010	2011	2012	2013	2014
Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	279,3	265,9	257,7	241,7	227,9
Саноат*	218,4	225,4	232,4	231,7	231,0
Хизмат кўрсатиш	263,3	272,8	276,9	296,4	313,6
Ишсизлар сони – шаҳар аҳолиси (млн. киши)	9,1	9,2	9,2	9,3	9,5
Ишсизлик даражаси – шаҳар аҳолиси (%)	4,1	4,1	4,1	4,1	4,1

* шу жумладан, ёқилғи-энергетик комплекс ва қурилиш.

Меҳнат ресурслари тўғрисида таҳлиллар амалга оширилгандан мамлакатнинг энг асосий иш кучини ташкил қилувчи эркакларнинг ва


⁷ Пэнг Уэндзе «Теоретико-методологические основы миграционных процессов на примере Республики Беларусь и Китая» //Вестник БДУ. 2012 г. №2. С.55.

⁸ БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. – М.: ИИЦ.2015. С.32

аёлларнинг улушига бўлинади, бу ҳолатда Хитойда ҳам эркеклар ва аёллар сон кўрсаткичини таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир (1-расм).

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, таҳлил қилинаётган 2005 йилдан бошлаб то 2014 йилга қадар Хитойда эркеклар аёлларга нисбатан кўрсаткичи энг юқорини ташкил этган ва кузатишимиз мумкинки, эркекларнинг сон жиҳатдан кўпайиб бориш тенденцияси аёлларга нисбатан жуда тез суръатларда кўпайганлиги кузатилади. Мутахассисларнинг бу борада жуда турли хилдаги фикрлари кўплигига ҳам дуч келишимиз мумкин. Жумладан, айримларнинг таъкидлашларича, истиқболда бу демографик жараёнларга жуда салбий таъсир кўрсатса, айримлари истиқболда Хитойнинг меҳнат ресурсларининг сон жиҳатидан жуда юқори кўрсаткичларни қўлга киритиши тўғрисида фикрлар билдирилган. Албатта ушбу қарама-қарши фикрлар жуда мунозарали ҳисобланади ва бу борада Хитой олимлари томонидан фикримизча жуда жиддий ёндашув ва тезликдаги қарорларни қабул қилган ҳолда чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

1-расм. Хитойда эркеклар ва аёллар сон кўрсаткичи (млн. киши)⁹



Шунингдек, муаммолар қаторида энг асосийлардан бири бу ишсизлик кўрсаткичи ҳисобланади ва унинг икки даражаси кузатилмоқда, яъни циклилик характери (яъни инқирозлар шароитида ортиб боради ва иқтисодий ривожланишнинг дастлабки ҳолатларида пасаяди)


⁹ БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. – М.: ИИЦ. 2015. С.20.

хамдаттаркибий характери ҳам мавжуд, бунда меҳнат ресурсларининг айрим тармоқлар ва соҳаларда етишмовчилиги кузатилади¹⁰.

Умуман олганда Хитой бўйича ишсизлик даражаси таҳлил қилинадиган бўлса, 2011 ва 2012 йилларда ишсизликнинг энг юқори кўрсаткичлари кузатилади (2-расм).

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2012 йилдан кейинги даврда ишсизлик суръатининг тезликда пасайиш тенденцияси кузатилганлигининг гувоҳи бўламиз.

2-расм. Хитойда 2005-2013 йилларда ишсизликнинг тенденцияси, %¹¹



Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра аксарият иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда ишсизлик ҳолати ривожланмаслиги ёки стагнация ҳолати кузатилса айрим ҳолларда унинг яширин ҳолати ҳам кузатилади. Шу каби, тадқиқотларга кўра Хитойда яширин ҳолатдаги ишсизлик даражаси 150 млн. кишини ташкил этади ва уларнинг салмоқли қисмини деҳқонлар ташкил этади. Шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларига кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларида 2011 йил ҳолатида 200 млн. киши ишдан маҳрум бўлган ва мазкур тадқиқотларга кўра йилига 40 млн. янги иш ўринлари яратилса Ердаги аҳолининг кейинги 10 йилда иш билан таъминланганлик даражаси тахмин қилинади¹².

Адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.dslib.net/ekonom-sociologia/stanovlenie-rynka-truda-v-kitae.html>
2. БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015; Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/Росстат. –М.: ИИЦ.2015.

¹⁰ <http://studopedia.info/2-114981.html>

¹¹ <http://www.ereport.ru/stat.php?razdel=country&count=china&table=ueecia>

¹² <http://studopedia.info/2-114981.html>

3. <http://www.strana-oz.ru/2008/3/trudovye-resursy-kitaya>
4. ПэнгУэндзе «Теоретико-методологические основы миграционных процессов на примере Республики Беларусь и Китая» //Вестник БДУ. 2012 г. №2. С.55.
5. <http://studopedia.info/2-114981.html>
6. <http://www.ereport.ru/stat.php?razdel=country&count=china&table=ueesia>